

# **POLISH SCIENCE JOURNAL**

INTERNATIONAL SCIENCE JOURNAL

Issue 5(38)  
Part 3



## POLISH SCIENCE JOURNAL

ISSUE 5(38)

Part 3

INTERNATIONAL SCIENCE JOURNAL

WARSAW, POLAND  
Wydawnictwo Naukowe "iScience"  
2021

ISBN 978-83-949403-4-8

POLISH SCIENCE JOURNAL (ISSUE 5(38), 2021) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2021. Part 3 – 173 p.

**Editorial board:**

**Bakhtiyor Amonov**, Doctor of Political Sciences, Associate Professor of Tashkent University of Information Technologies

**Mukhayokhon Botiraliyevna Artikova**, doctor of science, Namangan state university

**Bugajewski K. A.**, doktor nauk medycznych, profesor nadzwyczajny Czarnomorski Państwowy Uniwersytet imienia Piotra Mohyły

**Tahirjon Z. Sultanov**, Doctor of Technical Sciences, docent

**Shavkat J. Imomov**, Doctor of Technical Sciences, professor

**Sayipzhan Bakizhanovich Tilabaev**, Candidate of Historical Sciences, Associate Professor. Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

**Temirbek Ametov**, PhD

**Marina Berdina**, PhD

**Hurshida Ustadjalilova**, PhD

**Dilnoza Kamalova**, PhD (arch) Associate Professor, Samarkand State Institute of Architecture and Civil Engineering

**Sarvinoz Boboqulovna Juraeva** – Associate Professor of Philological Science, head of chair of culturology of Khujand State University named after academician B. Gafurov (Tajikistan)

**Oleh Vodiany**, PhD

**Languages of publication:** українська, русский, english, polski, беларуская, казакша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերէն

Science journal are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees.

The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

ISBN 978-83-949403-4-8

© Sp. z o. o. "iScience", 2021

© Authors, 2021

## TABLE OF CONTENTS

### SECTION: ECONOMICS

<b>Baqoyev Mehriddin Sadriddin o'g'li (Toshkent, O'zbekiston)</b> IQTISODIYOTNI MODERNIZATSİYALASH SHAROITIDA KORXONALARDA JORIY AKTIVLAR HISOBI XUSUSIYATLARI .....	6
<b>Maxtimova Zarafshon (Toshkent, O'zbekiston)</b> DAVLAT HARAJATLARI TIZIMI VA ASOSIY PRINSIPLARINING AHAMIYATI .....	10
<b>Mo'minova Hilola Qobuljon qizi,</b> <b>Suhrob Umarov Rustamovich (Toshkent, O'zbekiston)</b> O'ZBEKISTONDA XORIJIY VA MAHALLIY INVESTORLARGA YARATILGAN IMTIYOZLAR VA HUQUQIY ASOS.....	16
<b>Саидханова Назокат Жолдасовна (Ташкент, Узбекистан)</b> АНАЛИЗ И ПРОБЛЕМЫ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА В ПЕРИОД 1991-1996 ГГ. ....	22

### SECTION: MANAGEMENT AND MARKETING

<b>Макієвський О.І., Закалад М.А., Мулявка А.С., Комар В.Ю.</b> <b>Аблова О.К., Кузик О.Ю. (Київ, Україна)</b> ЛОГІСТИЧНИЙ МЕНЕДЖМЕНТ – ІНСТРУМЕНТ ФОРМУВАННЯ ТА ЗАБЕЗПЕЧЕННЯ ЕФЕКТИВНОГО УПРАВЛІННЯ ТРАНСПОРТНОЮ СИСТЕМОЮ ПІДПРИЄМСТВ.....	32
---	----

### SECTION: PSYCHOLOGY SCIENCE

<b>Abdukahhor Gadoevich Ganiev (Shakhrisabz, Uzbekistan)</b> A MIND MAP OF THE CHILD'S "SPIRITUAL YOUTH" IN TIMES OF CRISIS .....	42
<b>G'oyibnazarova Soxiba Shakarovna (Samarqand, O'zbekiston)</b> SHAXSDAGI GENDER FARQLAR VA ULARNING IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI .....	50
<b>Аскарова Наргиза Абдивалиевна,</b> <b>Рахимжоновна Махлиё Каримжоновна (Ташкент, Узбекистан)</b> ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ ЛЮДЕЙ С СОМАТИЧЕСКИМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ.....	53
<b>Добровольська Н.А., Громоздова Л.В., Тяхтій М.П.,</b> <b>Опанашук Ю.Я., Тичковська Л.П., Борознюк Н.В. (Київ, Україна)</b> ПСИХОЛОГІЧНІ БАР'ЄРИ РОЗВИТКУ ЛОГІСТИЧНОГО ІНТЕРНЕТ- ПРОВАЙДІНГУ ЯК ІНСТРУМЕНТУ ТУРИСТИЧНОГО БІЗНЕСУ.....	56

### SECTION: PEDAGOGY

<b>Akhmedova Farida (Termez, Uzbekistan)</b> THE NOTIONS OF "KNOWLEDGE", "ACTION" AND "LEARNING" .....	65
<b>Dekhkonov Botirali Akbarovich (Kokand, Uzbekistan)</b> BRAINSTORMING TECHNIQUE FOR THE IMPROVEMENT OF WRITING SKILLS IN TECHNICAL INSTITUTIONS.....	69

<b>Jo'rayeva Kamola Abdulxamid qizi (Namangan, O'zbekiston)</b> BOSHLANG'ICH MAKTAB O'QUVCHILARINING FUQAROLIK ONGI ASOSLARINI SHAKLLANTIRISH.....	72
<b>Khidirova Mukaddam (Termez, Uzbekistan)</b> FEATURES OF TEACHING ENGLISH VOCABULARY TO PRIMARY SCHOOL CHILDREN .....	80
<b>Muhammadiyeva Feruza Turakulovna (Termez, Uzbekistan), Mamadaliyeva Maftuna Mukhtorjon qizi (Andijan, Uzbekistan)</b> CREATIVE APPROACH TO THE PEDAGOGICAL ACTIVITY OF THE EDUCATOR .....	84
<b>Nabijonova Nilufar Abdullajon qizi (Namangan, Uzbekistan)</b> FORMATION OF COMPETENCIES THROUGH USE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN MATHEMATICS LESSONS .....	87
<b>Sobchenko T.M. (Kharkiv, Ukraine)</b> THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF PERSONAL-ACTIVITY APPROACH IN THE IMPLEMENTATION OF MIXED LEARNING OF STUDENTS OF PHILOLOGICAL SPECIALTIES .....	93
<b>Ахмедова Ф.А., Хабибуллина М.М. (Ташкент, Узбекистан)</b> ИННОВАЦИОННЫЙ ПОДХОД - ТРЕБОВАНИЕ СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ.....	98
<b>Валиханова Нигора Абдукаххоровна (Андижон, Узбекистан)</b> МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИОН КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТИЗИМИ.....	102
<b>Горбач Наталія Львівна, Кальченко Тетяна Михайлівна, Іванова Інна Леонідівна (Харків, Україна)</b> ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МУЛЬТИМЕДИЙНОГО ГРАММАТИЧЕСКОГО ПОСОБИЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ ГРАММАТИКЕ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА В ВЫСШЕЙ ШКОЛЕ..	109
<b>Джолданова Динара, Тлеужанова Гульназ (Қарағанда, Қазақстан)</b> МОДЕЛЬ ФОРМИРОВАНИЯ АКМЕОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ В КОНТЕКСТЕ ТРЕХЪЯЗЫЧНОГО ОБРАЗОВАНИЯ. АГМИ.....	114
<b>Икрамова Х.М. (Андижан, Узбекистан)</b> МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ ОСНОВАМ НОМЕНКЛАТУРЫ ЛЕКАРСТВЕННЫХ СРЕДСТВ ПО ЧАСТОТНЫМ ОТРЕЗКАМ .....	119
<b>Мамажонов Абдувохид Абдурахмонович, Кулдашев Жаҳонгир Улўбекович, Алимов Давронбек Ахматжонович (Андижон, Ўзбекистон)</b> ЎЛЧАШ НОАНИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МУҲИМЛИГИ .....	122
<b>Оспанова Венера Амантаевна (Қарағанды, Қазақстан)</b> ОРТА МЕКТЕПТЕ ЕРТЕ ЖАСТАН ШЕТЕЛ ТІЛІН ОҚЫТУДЫҢ ПСИХОЛОГИЯЛЫҚ-ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ЕРЕКШЕЛІКТЕРІ .....	126

<b>Сапаев Умидбек Абдуллаевич, Исмаилов Эркинбай Давронбекович (Урганч, Ўзбекистон)</b> ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА "МУХАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ" ФАНИНИ ЎҚИТИШДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР .....	137
<b>Стативка Е.А., Дягилева Л.Д. (Харьков, Украина)</b> ДИСТАНЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ.....	141

### SECTION: ARCHITECTURE

<b>Исламова Дилноза Гайратовна, Мардонов Элшод (Самарканд, Ўзбекистан)</b> АРХИТЕКТУРНОЕ РЕШЕНИЕ ОЗДОРОВИТЕЛЬНЫХ ЗДАНИЙ НА ГОРНЫХ ТЕРРИТОРИЯХ .....	146
<b>Исламова Дилноза Гайратовна, Мардонов Элшод (Самарканд, Ўзбекистан)</b> ИССЛЕДОВАНИЕ ИСТОРИЧЕСКИЕ ОЗДОРОВИТЕЛЬНЫЕ УЧРЕЖДЕНИЙ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ.....	149

### SECTION: BIOLOGY SCIENCE

<b>Косимова Зухра Турғуновна, Атабаева Наргиза Каримовна, Икромов Сирожиддин Абдулвохид ўғли (Тошкент, Ўзбекистон)</b> ЧОРВОҚ СУВ ОМБОРИГА ИҚЛИМЛАШТИРИЛГАН ПЕЛЯДЬ (COREGONUS PELED) БАЛИФИНИНГ БИО-ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ .....	151
---	-----

### SECTION: PHILOLOGY AND LINGUISTICS

<b>Matyakubova Shahnoza Ilxambekovna (Samarqand, O'zbekiston)</b> SODDA GAP QURILMALARIDA YADRO PREDIKATIV KOMPLEMENTLARNING SINTAKSEM TAHLILI .....	156
<b>Raximova Sulurxon Jumaniyozovna (Toshkent, O'zbekiston)</b> KO'P MA'NOLI IBORALAR.....	159
<b>Zulfikorova Azizakhon (Tashkent, Uzbekistan)</b> TEACHING ENGLISH IDIOMS FOR THE FIRST YEAR STUDENTS IN NON- LINGUISTIC UNIVERSITIES: ON THE EXAMPLE OF TECHNICAL AND ECONOMIC UNIVERSITIES.....	165

**SECTION: ECONOMICS**

**Baqoyev Mehriddin Sadriddin o'g'li**  
**Toshkent moliya instituti**  
**Buxgalteriya hisobi va audit kafedrası magistranti**  
**(Toshkent, O'zbekiston)**

**IQTISODIYOTNI MODERNIZATSIYALASH SHAROITIDA KORXONALARDA JORIY  
AKTIVLAR HISOBI XUSUSIYATLARI**

**Annotatsiya.** *Ushbu maqola iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida korxonalarda joriy aktivlar hisobi xususiyatlari haqida soʻz borgan. Korxonaning joriy aktivlarini shakllantirishning asosiy yondashuvlari, oxir-oqibat, ushbu aktivlarning miqdorini va ularning darajasini faoliyat yuritayotgan faoliyat hajmiga nisbatan belgilaydi.*

**Kalit soʻzlar:** *iqtisodiyot, modernizatsiya, korxonalar, joriy aktivlar, ishlab chiqarish, texnologiya, eksport, kompaniya aksiyalari, tadbirkorlik.*

Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida amalga oshirilayotgan ko'pgina tadbirlar avvalo tarmoq va hududlar iqtisodiyotini rivojlantirishga qaratilgan bo'lib, ularni amalga oshirishda davlat tomonidan ishlab chiqiladigan qonun-qoidalarning o'рни beqiyosdir. Xo'jalik yuritishning yangi tashkiliy-huquqiy shakllari paydo bo'lishi, tadbirkorlikka erkinlik hamda xo'jalik yurituvchi subyektlarga o'z moliyaviy resurslaridan foydalanishda mustaqillik berilishi, investitsiyalarni jalb qilish uchun huquqiy va iqtisodiy sharoitlar yaratilganligi, yangicha moliya vositalari va omillarning vujudga kelishi investitsiyalashning ilgari amalda bo'lgan tashkiliy mexanizmini tubdan isloh qilmoqda. Iqtisodiyotning real sektorini rivojlantirish, ishlab chiqarishning texnik va texnologiya jihatdan modernizatsiyalashga keng e'tibor berilmoqda. Jadal va mutanosib iqtisodiy o'sish, chuqur tapkibiy o'zgapishlarni amalga oshirish va iqtisodiyotni diversifikatsiya qilishda faol va aniq yo'naltirilgan kapital siyosati yuritish eng muhim omil hisoblanadi.

Respublikamiz mustaqillikka erishgan dastlabki kunlardanoq, jamiyat taraqqiyotining barcha jabhalarida, eng avvalo, iqtisodiy sohada iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish va erkinlashtirish borasida aniq dasturlar ishlab chiqilgan. Ushbu dasturlarda belgilangan vazifalarning hayotga samarali tatbiq etilishi natijasida iqtisodiyotda turli mulkchilik shaklidagi korxonalar, firma va kompaniyalar vujudga kela boshladi. Albatta, mamlakatimiz iqtisodiy va moliyaviy barqarorlikka erishishida muhim omillar, ishlab chiqarish hajmining o'sishi, pul qadrsizlanishini pasaytirish, eksport hajmini oshirish va boshqa shu kabi makroiqtisodiy o'sishni ta'minlash bilan birga respublikamizda faoliyat yuritayotgan har bir korxonalar, firma, kompaniyalarning ham xo'jalik subyekti sifatida rivojlantirishni taqozo etadi.

O'z navbatida, korxonalar oldida turgan asosiy maqsad o'z faoliyatini samarali tashkil qilish, kam mehnat sarflagan holda, ko'proq va sifatli mahsulot ishlab chiqarish yoki xizmatlar ko'rsatish, iste'molchilarning talab va ehtiyojlarini to'la qondirish va shu asosda foyda olishdan

iborat. Ta'kidlash kerakki, bozor munosabatlari sharoitida korxonalar, firma va kompaniyalarning moliyaviy boshqaruv tizimiga yangicha yondoshishni taqozo etadi. Korxonalarining iqtisodiy mustaqil va moliyaviy barqaror faoliyat ko'rsatishlari, ularda boshqaruvni to'g'ri tashkil qilish, mavjud imkoniyatlardan samarali foydalangan holda ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatishni oqilona yo'lga qo'yish, fan va texnika yangiliklaridan, yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish, moliyaviy menejment ishlarini to'g'ri yo'lga qo'yish kabi bir qator omillarga bog'liq.

Bozor qonuniyatlaridan kelib chiqqan holda har qanday mulkchilik shaklidagi firma va kompaniyalar o'zlarining xo'jalik-tadbirkorlik faoliyatlarini, ma'lum bir turdagi yoki miqdordagi aktivlarga ega bo'lmasdan turib amalga oshirishlari mumkin emas. Kompaniyalarning aktivlari ular balansining aktiv qismida aks ettiriladi. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga asosan, aktivlar – bu xo'jalik subyekti tomonidan nazorat qilinuvchi, avvalgi davrlarda qandaydir hodisa yoki jarayon natijasida paydo bo'lgan va bulardan kelajakda xo'jalik yurituvchi subyekt tomonidan iqtisodiy manfaat olishni ko'zlaydigan resurslar tushuniladi. Keltirilgan tarifdan kelib chiqqan holda kompaniyalarning aktivlari deyilganda, kompaniyalarning moliyaviy barqarorligini ta'minlash, ishlab chiqarish yoki xizmat ko'rsatish jarayonini uzluksizligini ta'minlash, ularning bozor qiymatini oshirish va egalarning talablarini qondirish maqsadida xo'jalik faoliyatida foydalaniladigan iqtisodiy resurslar tushuniladi.

O'zbekiston Respublikasi buxgalteriya hisobining milliy standartiga asosan korxonalar aktivlari ikki qismdan iborat bo'lib, ular: uzoq muddatli aktivlar va joriy aktivlar. «Uzoq muddatli aktivlar» bo'limida asosiy vositalar va nomoddiy aktivlar qiymati, uzoq muddatli investitsiyalar, o'rnatiladigan uskunalar, kapital qo'yilmalar, uzoq muddatli debitorlik qarzlari va muddati kechiktirilgan uzoq muddatli xarajatlar summaları oshkor qilinishi kerak. «Joriy aktivlar» bo'limida tovar-moddiy zaxiralar, kelgusi davrlar xarajatlari, muddati kechiktirilgan xarajatlarning joriy qismi, debitorlik qarzlari, pul mablag'lari, qisqa muddatli moliyaviy qo'yilmalar va boshqa joriy aktivlar summaları oshkor qilinishi kerak.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida korxonalar, firma va kompaniyalar aktivlarini ma'lum bir xususiyatlari bo'yicha tasniflash yoki tarkibiy joylashtirib chiqish mumkin bo'ladi.

"Hozirgi korxonalar" ta'rifi tutashuv va asosiy fondlarni rivojlantirish, tashkilotning zahiralari talab qilish. Boshqa so'zlar bilan aytganda, bu tushunchalar aktivlar doimo harakat majmuini ifodalaydi. Shunday qilib, barcha joriy aktivlari ikki toifaga ajratish mumkin:

1. Ishlab chiqarish aktivlari.
2. Davolash jamg'armasi.

Bu komponentlar har bir aniqlash uchun javobgar bo'ladi. Misol uchun, birinchi guruh ayirboshlash ishlab chiqarish tsiklini qanday qilib mehnat obyektlariga qarab ko'rish mumkin. Bu, saqlash, shunday qilib qilish, tugallanmagan mahsulot, xom moddasini, yordamchi materiallar va aksessuarlar va o'z ichiga olish mumkin. Ishlatilgan boshqaruv xarajatlari va amalga oshirilayotgan to'liq ishlab chiqarish ishlab chiqarilayotgan tartibda amalga oshiriladi. Albatta, aylanishga erishilgan ikkinchi guruh hisobiga sodir bo'ladi. Bu tovarlar aylanishi davolash-xizmat va xizmat jarayonlari bilan barcha vositalarni o'z ichiga oladi. Bunday turkumni boshqarish bo'yicha olib borilishi mumkin bo'lgan ozod, lekin hali mijozlar, turli banklardagi hisob pul mablag'lari mahsulot va fondlarini boshqarish to'lanadi emas bo'ladi. Xizmat ko'rsatishda davom etadigan misol yoki tashkilotga ko'rsatiladigan xizmatlar bir xil tarzda amalga oshiriladigan tovarlar tugagan bo'lishi mumkin.



Shunday qilib, ish kapital korxonasi - u ikki toifadagi biri ishlatilishi mumkin bo'lgan pul aktivlari mavjud. Avval aytib o'tilganidek, ular, albatta, ishlab chiqarishni amalga oshirishda ishtirok etadi va to'liq to'liq mashhur mahsulotlar va xizmatlari bilan ofset: Bundan tashqari, bu jamg'armasi muhim xususiyatiga ega bo'lish zarur.

Korxonaning joriy aktivlari - bu ishlab chiqarish jarayonida ishlatilishi mumkin bo'lgan moliyaviy resurslar va moddiy resurslarning alohida toifasidir. Aylanma mablag'larning asosiy tarkibiy qismi pul mablag'lari va ularning ekvivalentlari hisoblanadi. Ushbu balans moddasi kompaniyaning kassasida saqlangan naqd pulni ham, kompaniyaning joriy hisobvarag'idagi pul mablag'larini ham o'z ichiga olishi mumkin. Pul mablag'lari ekvivalentlari qisqa muddatli moliyaviy aktivlardir. Ushbu guruhga tegishli mablag'lar ma'lum shartlarga javob berishi kerak. Qoida tariqasida, bunday moddiy boyliklar real bozor qiymatiga teng narxda sotilishi kerak. Aktivlarni sotish muddati uch oydan oshmasligi kerak.

Joriy aktivlarga qisqa muddatli debitorlik qarzlari kiradi. Shuni ta'kidlash kerakki, ushbu aktivlar holatida va'da qilingan to'lovlar hajmini hisobga olish juda muhimdir. Bundan tashqari, kredit muddati bir yildan oshmasligi kerak. To'lovni yoki kreditni taqdim etishning ushbu sharti debitorlik qarzini aylanma mablag' sifatida tasniflashning majburiy mezonidir.

Joriy aktivlar - bu ishlab chiqarish jarayonida bevosita foydalaniladigan moddiy aktivlarni anglatadi. Joriy aktivlar - qisqa muddatda (12 oygacha) foydalanishga mo'ljallangan aktivlar. Joriy aktivlarga quyidagilar kiradi: zaxiralar, debitorlik qarzlari, moliyaviy investitsiyalar, pul mablag'lari va ularning ekvivalentlari va boshqalar.

Korxonani joriy aktivlar - tayyorlash uchun asosiy qismga bo'lish mumkin bo'lgan aktivlar, bir guruh bo'lib:

1. Yarim tayyor.
2. Inventarizatsiyadan.
3. Oldindan to'lanadigan xarajatlar.

Bundan tashqari, sarmoya kompaniyalari ish - ikki turkum, qayta ishlash kuchiga qarab tanlanadi. Tufayli, bu tasniflash uchun qarz aktivlarini va o'z zaxiralarini ajratiladi. Shu bilan birga u, ikkinchi guruh juda aniq tuzilishi mumkin, birinchi xususiyatini ularni boshqarishga olib kelishi mumkin, deb unutmash kerak. Shunday qilib, korxonasi ishchi kapitali - bank tomonidan amalga oshirilgan kreditlar, mavjud, mavjud bo'lgan boshqaruv hisobi.

Bu ixtisoslashgan bo'lgan joriy aktivlar toifalarida ularni davolashga to'g'ri keldi. Bunday bir guruh bor: tayyor mahsulot, taraqqiyot ish va oldingi davr asoratlaridan zahiralari ham kompaniya aksiyalari saqlanadi. normallashtirish maqolasining va boshqa kapitalning boshqa barcha elementlar kerak emas. Bu tartibda qaraladi yuklangan, lekin hali ham kunduzi, belgilangan naqd qilib, xaridorlar tomonidan bajarilishi kerak, va ularni emas.

Korxonalarda aktivlarni tashkil qilishdan asosiy maqsad, joriy faoliyatni uzluksizligini ta'minlashda ularga bo'lgan talabni qondirish, hamda korxonalar xo'jalik-tadbirkorlik faoliyatini samaradorligini oshirish maqsadida ularning tarkibini optimallashtirish hisoblanadi. Ushbu maqsadlardan kelib chiqqan holda, korxonalarda aktivlarni tashkil qilish va ularni boshqarishda quyidagi asosiy tamoyillarni hisobga olish lozim:

1) joriy faoliyatni rivojlantirish istiqbollari va uni diversifikatsiya qilishning yo'nalishlari; bunda korxonalar joriy faoliyatini rivojlantirish istiqbollarini belgilash, joriy faoliyatning maqsad va vazifalaridan kelib chiqqan holda strategiyasini ham ishlab chiqish va

amaliyotga joriy qilish hamda istiqbolda korxonaning xo'jalik faoliyat turini diversifikatsiya qilishning asosiy yo'nalishlari inobatga olinishi nazarda tutiladi. Ayniqsa, ushbu tamoyilni oqilona qo'llanilishi korxonalarda inqirozga qarshi boshqaruvni tashkil qilish jarayonida dolzarb hisoblanadi.

2) korxonalarda aktivlarni tashkil qilishda ularning hajmi va tuzilishi bilan, mahsulotlarni ishlab chiqarish va realizatsiya qilish hajmi va tuzilishini o'zaro mosligiga amal qilish; ushbu tamoyilda korxonalarda ishlab chiqariladigan bir birlik mahsulot uchun kerakli xomashyo va materiallar, boshqa turdagi aktivlarni o'zaro mutanosibligini ta'minlash, hamda ishlab chiqariladigan mahsulot turiga undagi mavjud aktivlarning tuzilishini mosligi ham inobatga olinadi.

3) korxonada xo'jalik-moliyaviy faoliyatini samaradorligini oshirish maqsadida aktivlar tarkibini optimallashtirish;

4) aktivlardan foydalanish jarayonida ularni aylanuvchanligini oshirish uchun zaruriy sharoitlar yaratish;

5) korxonalarining kapitallashuv darajasini oshirish maqsadida aktivlarni yuqori texnologik turlarini tashkil qilish; bunda, korxonalarda mahsulot ishlab chiqarish yoki xizmatlar ko'rsatishda foydalaniladigan asosiy vositalarning zamonaviy, tejamkor va yuqori rentabellikka ega bo'lgan turlaridan keng foydalanish, buning hisobiga mehnat unumdorligini oshirish, mahsulot tannaxsini optimallashtirish, qo'shimcha xarajatlarni kamaytirish kabi ijobiy natijalarga erishish, pirovardida esa korxonada qo'shimcha moliyaviy resurslar darajasini oshishiga olib keladi.

Iqtisodiyotni modernizatsiya qilish sharoitida amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar milliy iqtisodiyotning o'sishi va aholining farovonligini oshirishga qaratilgan. Uning tarkibiy qismi bo'lgan xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish masalasini ushbu tadbirlarning amalga oshishiga muhim rol o'ynaydi. Chunki bu jarayonda aholining yashash tarzi yaxshilanadi va sifat darajasi oshadi. Mamlakat iqtisodiyotini modernizatsiyalash jarayonida xizmat ko'rsatish korxonalarini doimiy ravishda o'zgarib boruvchi bozor munosabatlari sharoitida barqaror iqtisodiy rivojlanishi, ularning xo'jalik faoliyati samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish talab etilmoqda.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. O'rolov A. Korxonada menejment asoslari. // J. Korxonani boshqarish – 2007 yil
2. Hamdamov O.N. Korxonalarda inqirozga qarshi boshqaruvni tashkil etish masalalari. // «Moliya» jurnali 2010-yil №2. 76-80-betlar.
3. Бочарев В.В. «Управление денежным оборотом предприятий и корпораций» – М.: «Финанси и статистика», 2001
4. Jo'rayev A.T. "Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida majburiyatlar hisobi" respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. – T. 21-22 may 2010- yil.

**Maxtimova Zarafshon**  
**O'qituvchi**  
**Toshkent shahar yuridik texnikumi**  
**(Toshkent, O'zbekiton)**

## **DAVLAT HARAJATLARI TIZIMI VA ASOSIY PRINSIPLARINING AHAMIYATI**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada davlat harajatlari tizimi, tizimning shakllanish tamoyillari, davlat harajatlarining funksional tuzilishi hamda davlat harajatlari asosiy prinsiplarining ahamiyati haqida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** Davlat harajatlari, tizim, korxonalar, tashkilot, daromad.

Махтимова Зарафшон  
Преподаватель  
Ташкентский юридический техникум  
(Ташкент, Узбекистан)

## **ЗНАЧЕНИЕ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННЫХ РАСХОДОВ И ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ**

**Аннотация.** В статье рассматриваются система государственных расходов, принципы формирования системы, функциональная структура государственных расходов и важность основных принципов государственных расходов.

**Ключевые слова:** государственные расходы, система, предприятие, организация, доход.

Maxtimova Zarafshon  
Teacher  
Tashkent law technical school  
(Tashkent, Uzbekistan)

## **SIGNIFICANCE OF PUBLIC EXPENDITURE SYSTEM AND BASIC PRINCIPLES**

**Annotation.** This article discusses the system of public spending, the principles of formation of the system, the functional structure of public spending and the importance of the basic principles of public spending.

**Keywords:** government spending, system, enterprise, organization, income.

### **Asosiy qism**

Davlat moliyaviy mablag'larni taqsimlash va ulardan foydalanish orqali o'z oldida turgan vazifa va funksiyalarning bajarilishini ta'minlaydi. Davlat harajatlari moliyaviy faoliyatning ikkinchi tomoni bo'lgan – markazlashgan va markazlashmagan pul mablag'lari jamg'armalarini tashkil etish bilan chambarchas bog'liqdir. Bu ikki moliyaviy faoliyat doimiy va

kundalik faoliyat hisoblanadi. Davlat harajatlari keng va ko'p qirrali tushunchadir. Davlat harajatlari – bu huquqiy me'yorlar bilan tartibga solingan iqtisodiy munosabatlar bo'lib, markazlashgan va markazlashmagan pul mablag'lari jamg'armalarini taqsimlash va foydalanish jarayonida yuzaga keladi hamda uning to'xtovsiz funksiyalanishini ta'minlaydi. Davlat harajatlarning rivojlanishi davlatning xo'jalik va madaniy-tarbiyaviy funksiyasi bilan, bozor iqtisodiyotini shakllantirish bilan bevosita bog'liqdir. Bozor iqtisodiyotiga o'tish turli mulk shakllariga asoslangan xo'jalik tuzilmalarini tashkil etish, ularni o'zini o'zi mablag' bilan ta'minlashga o'tkazish, bu korxonalar va tashkilotlarning harajatlari hajmini oshirish orqali amalga oshiriladi. Davlat harajatlari davlat va mahalliy budjetlarda, shuningdek vazirliklar, qo'mitalar, korxonalar va tashkilotlarning moliyaviy rejalarida va smetalarida nazarda tutiladi. Byudjetlarni tayyorlashda markazlashgan va markazlashmagan pul jamg'armalarining o'zaro nisbati belgilanadi.

Markazlashgan davlat harajatlari davlat byudjeti va davlat budjetidan tashqari jamg'armalar hisobidan amalga oshiriladi. Davlat harajatlarning hajmi davlat daromadlaridan, iqtisodiy ko'rsatkichlardan, birinchi navbatda milliy daromadni tashkil etishdan kelib chiqqan holda belgilanadi. Budjet harajatlari davlat harajatlarning bir qismi bo'lib hisoblanadi. Uning davlat harajatlari tutgan o'rnini davlatning iqtisodiy siyosati, birinchi galda korxonalar va tashkilotlarning xo'jalik mustaqilligiga ega bo'lishiga qarab o'zgarib turishi mumkin. Lekin hamma vaqt budjet harajatlari davlat harajatlari begilovchi rolni o'ynaydi. Budjet harajatlari obyektiv iqtisodiy kategoriya hisoblanib, ikki tomonlama xususiyatga ega. Bir tomondan – bu xalq xo'jaligini moliyalashtirishdagi davlat harajatlari hisoblanadi; ikkinchi tomondan – bu korxonalar, muassasalar va tashkilotlarning daromadlari bo'lib, uning hisobidan maqsadli pul jamg'armalari tashkil etiladi. Amaldagi qonunchilik asosida davlat budjet mablag'lariga egalik qiladi hamda budjet qonunchiligida belgilangan hajmlarda pul mablag'larini ajratadi. Davlat hokimiyati organlari, davlat boshqaruvining umumiy vakolatli organlari hamda moliya-kredit tizimi organlarining budjet harajatlari ta'sir etishi – butun harajatlar sikli davomida, ya'ni pul mablag'lariga bo'lgan ehtiyojning yuzaga kelishidan boshlab, to' uning to'liq qondirilishiga qadar davom etadi. Budjetdan moliyalashtiriladigan xalq xo'jaligi va ijtimoiy - madaniy sohalaridagi harajatlar hajmi moliyalashtiriladigan sohaning davlat boshqaruvi tizimida tutgan o'rnini hamda, o'tkaziladigan tadbirlarning ahamiyati bilan belgilanadi. Yuqoridagilarni hisobga olgan holda, budjet mablag'lari hisobidan moliyalashtiriladigan davlat harajatlari ikki guruhga bo'linadi:

a) har yili takrorlanib turadigan harajatlar (masalan, o'quv yurtlarining, kasalxonalarining ishlashini ta'minlash uchun ketadigan harajatlar);

b) keyingi budjet davriga nazarda tutiladigan yangi harajatlar (masalan, boshlangan qurilish ishlarini tugatish, kasalxonalarining yangi korpuslarini qurish uchun mo'ljallangan harajatlar va boshq.).

Budjet harajatlarini moliyalashtirish bilan bog'liq bo'lgan munosabatlarda moliya organlari faol ishtirok etadi. Jumladan, moliya organlari budjet harajatlarning ro'yxatini tuzadi, kreditlar ochadi, ularni chaqirib oladi hamda budjet mablag'laridan foydalanish ustidan doimiy nazoratni olib boradi.

Budjet moliyalashtirishi bo'yicha bo'ladigan munosabatlarda kredit organlari ham ishtirok etadi. Kredit muassasalari (masalan, banklar) o'zlarida korxonalar va tashkilotlarning hisob-kitob, joriy (budjet) schotlarini ochadilar, budjetdan mablag'lar oladilar. Bu muassasalar

budjetning kassa ijrosida ishtirok etib, moliyaviy intizomga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshiradilar. Budget kreditlariga egalik qiluvchilar – korxonalar, muassasalar va tashkilotlarning rahbarlari, ularga ajratilgan budget mablag'lariga egalik qilish, quyi turuvchi budget kreditlari egalari mablag'lar ajratish orqali budget moliyalashtirishida ishtirok etadilar. Budget harajatlari sohasidagi moliyaviy munosabatlar huquqiy munosabatlar bo'lib hisoblanadi va unda ishtirok etuvchi tomonlar teng huquqqa ega emas. Budget harajatlari sohasidagi munosabatlarni tartibga solish vakolati berilgan va davlat nomidan harakat qiladigan davlat organlari – budget mablag'ini oluvchi ikkinchi tomonga nisbatan davlat-hokimiyat ta'siri usulini qo'llaydi. Davlat bir tomonlama tartibda budgetdan moliyalashtiriladigan harajatlarning turlarini, harajatlar me'yorini, moliyalashtirish obyektini hamda har qanday qoidabuzarliklar uchun javobgarlikni belgilaydi. Shuni ham nazarda tutish kerakki, bu moliyaviy munosabat turlarida ishtirok etuvchi boshqa organlar singari, moliya organlari operativ mustaqillik huquqiga ega emas, ya'ni ularning vakolatiga budget harajatlarning maqsadga muvofiqligini, hajmi va muddatlari to'g'risidagi masalalarni hal etish kiritilmagan. Sababi, barcha holatlar davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari tomonidan oldindan belgilanadi. Budget mablag'laridan foydalanish tamoyillari. Davlatning barcha pul mablag'lari, ularning kelib chiqish manbasidan qat'i nazar, yagona foydalanish tamoyillariga ega. Budget mablag'laridan foydalanish tamoyillari ichida pul mablag'larini rejali harajat qilish asosiy rolni o'ynaydi. Davlat harajatlari jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi vazifalarini rejalashtirish asosida taqsimlanadi. Bunda moliya organlari ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanishning barcha ishlab chiqarish ko'rsatkichlarini pul mablag'lari bilan ta'minlashlari lozim. Har qanday kapital kurilish obyekti o'z vaqtida pul mablag'i bilan ta'minlanmasa, hech qachon boshlanmaydi va tugatilmaydi. Davlat harajatlari qonunchilik tamoyili asosida amalga oshiriladi. Moliya va kredit organlari faqatgina normativ aktlarda nazarda tutilgan harajatlarni qilishlari mumkin.

Davlat harajatlarning majburiy talablaridan biri bu uning tegishli moliyaviy rejalarga – budget, smeta yoki daromadlar va harajatlar balansiga kiritish bo'lib hisoblanadi. Davlat harajatlarning mazmuni va tuzilishi davlat oldida turgan vazifa va funksiyalardan, jamiyatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning aniq vazifalaridan kelib chiqqan holda belgilanadi. Davlat harajatlari normativ aktlarda belgilangan maxsus harajatlar bo'yicha amalga oshiriladi. Harajatlar ikkiga bo'linadi:

- a) budget mablag'lari bo'yicha harajat;
- b) xo'jalik yurituvchi subyektlarning mablag'lari bo'yicha harajat.

Budget mablag'lari bo'yicha harajatlarni budget tasnifi bilan belgilanadi. Xo'jalik yurituvchi subyektlarning mablag'lari bo'yicha harajatlarni esa, daromadlar va harajatlarni balans bilan belgilanadi. Moliyalashtirish tushunchasi va tamoyillari. O'zbekiston Respublikasida davlat mablag'lari turli maqsadlarga va turli tartibda yo'naltiriladi. Lekin pul mablag'larining asosiy qismi moliyalashtirish orqali taqsimlanadi va harajat qilinadi. Rus huquqshunosi N.A. Kufakovaning fikricha, moliyalashtirish – bu qaytarib bermaslik sharti bilan davlat pul mablag'laridan foydalanish bo'lib, korxonalar, muassasalar va tashkilotlarga o'z faoliyatlarini amalga oshirishlari uchun beriladi. Davlat mablag'larini moliyalashtirish jarayonida asosan quyidagi tamoyillarga amal qilinadi:

- 1) budget mablag'larining qaytarib berilmasligi, ya'ni budgetdan moliyalashtirish yo'li bilan ajratiladigan mablag'lar qaytarib berilmaydi;

2) maqsadga muvofiqlik, ya'ni ajratiladigan barcha budget mablag'lari maqsadga muvofiq foydalanilishi lozim;

3) ishni bajarganligiga qarab moliyalashtirish, ya'ni budget mablag'lari belgilangan yillik rejalr asosida avtomatik tarzda ajratilmay, balki ishning faktik bajarilishiga qarab ajratiladi;

4) moliyaviy intizomga qat'iy rioya etish, ya'ni budget mablag'laridan qonunda belgilangan tartibda, to'g'ri va samarali foydalanishdir. Yuqorida sanab o'tilgan tamoyillarning hayotga tatbiq etilishi, birinchi navbatda, korxonalar, muassasa va tashkilotlarni to'xtovsiz pul mablag'lari bilan ta'minlaydi hamda pul mablag'laridan foydalanishda moliyaviy intizomga qat'iy rioya etilishini ta'minlaydi. Professor L.K. Voronovaning ta'kidlashicha, davlat harajatlari asosan davlat budgetida to'planadigan daromadlar hisobidan moliyalashtiriladi.

Davlat budgeti harajatlari – budget mablag'lari hisobidan qoplanadigan va davlat vazifa va funksiyalari bilan bog'liq bo'lgan davlat harajatlardir. Davlat harajatlari qaysi yo'nalishda bo'lishidan qat'i nazar, quyidagi tamoyillar asosida amalga oshiriladi: mablag'larni maqsadli yo'naltirish; mablag'lardan maksimal foydalanish; iqtisodiyot rejimiga rioya etish; davlat moliyaviy intizomiga rioya etilishini ta'minlash maqsadida moliyaviy nazoratni amalga oshirish. O'zbekiston Respublikasi iqtisodida, xalq xo'jaligida yuz bergan o'zgarishlar budget mablag'larini moliyalashtirishda ham o'z ta'sirini ko'rsatdi. Endilikda budget mablag'larini olish zarurati yuzaga kelganda va yuqoridagi tamoyillarga asoslanib budget mablag'larini ajratish imkoniyati bulmagan holatlarda, moliyalashtirish ishtirokchilari qonunga asosan ma'lum bir haq evaziga qaytarib berish sharti bilan budgetdan pul mablag'larini olishlari mumkin. Iqtisodiy nuqtai nazardan, davlat budgeti mablag'lari – moddiy ishlab chiqarishga va davlat zahiralarni tashkil etishga harajat qilinadi. Davlat budgeti harajatlarning iqtisodiy mazmuniga ko'ra, budget moliyalashtirishining quyidagi ikki rejimi mavjud: tijorat tashkilotlarini moliyalashtirish rejimi va smeta-budget rejimi. Xalq xo'jaligini moliyalashtirish. Xalq xo'jaligiga qilinadigan harajatlarning asosiy qismi sanoatni, uning sohasini rivojlantirishga yo'naltiriladi. Xalq xo'jaligiga qilinadigan harajatlar ichida mamlakat agrosanoat kompleksini, yerlarning melioratsiyasini moliyalashtirishga ketadigan harajatlar markaziy o'rinni egallaydi. Xalq xo'jaligi sohasiga pul mablag'lari (investitsiya)ni jalb etish, davlat organlari va korxonalarining o'zlari tomonidan amalga oshiriladi. Bunda asosiy jamg'armalarni tashkil etishni investitsiyalash – kapital qo'yilmalar shaklida amalga oshiriladi. Kapital qo'yilmalar davlat va jamiyat rivojlanishida katta rol o'ynaydi. Mamlakatda aholining moddiy va madaniy hayot tarzini oshirish, ishlab chiqarishni rivojlantirish va uning samaradorligini oshirish, mehnat unumdorligini yaxshilash uchun kapital qo'yilmalar hajmini ko'paytirish lozim bo'ladi.

Davlat va mahalliy budgetlarda kapital qo'yilmalar maxsus guruhlarda ko'rsatib o'tiladi. Kapital qo'yilmalarning majmui – budget rivojlanishini tashkil etadi. Budget harajatlari ichida kapital qo'yilmalar alohida ahamiyatga ega bo'lib, budget mablag'larini (davlat va mahalliy zahiralarni tashkil etish uchun) asosiy jamg'armalarga va nomoddiy aktivlarga jalb etish bilan bog'liqdir. Kapital qo'yilmalarni moliyalashtirishni tartibga soluvchi asosiy normativ hujjat – O'zbekiston Respublikasining «Budget tizimi to'g'risida»gi qonuni. Kapital qo'yilmalarni moliyalashtirish – bu yangi jamg'armalarni tashkil etish, harakatda bo'lgan jamg'armalarni kengaytirish va qayta tiklash maqsadida davlat pul mablag'larini yig'ish, taqsimlash va foydalanish bo'yicha huquqiy me'yorlar bilan tartibga solingan davlat faoliyati. Davlat

hokimiyati organlari kapital quyilmalarni tartibga solishda bir necha shakl va usullardan foydalanadi. Jumladan: kapital quyilmalar shaklida amalga oshiriladigan investitsion faoliyatni rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratib berish, ya'ni:

- soliq tizimini, amortizatsiyalarni hisoblash va amortizatsion ajratmalardan foydalanish mexanizmini takomillashtirish;

- investitsiya faoliyati subyektlari uchun maxsus soliq rejimini (ya'ni individual xususiyatga ega bulmagan) o'rnatish;

- investorlarning manfaatlarini himoya qilish;

- investitsiya faoliyati subyektlari uchun yerdan va boshqa tabiiy resurslardan foydalanishida imtiyozlar berish;

- uy-joy qurilishi va ijtimoiy-madaniy ahamiyatdagi obyektlarning qurilishini moliyalashtirishda aholi va budjetdan tashqari manbalar mablag'laridan foydalanishni kengaytirish;

- investitsiya faoliyati bo'yicha axborot-tahlil tizimini tashkil etish va rivojlantirish;

- monopoliyaga qarshi chora-tadbirlarni qabul qilish;

- kreditlashtirishda garovdan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish;

- mamlakatda moliyaviy lizingni rivojlantirish;

- investitsiya faoliyati subyektlari tomonidan o'zlarining investitsion jamg'armalarini tashkil etishda shart-sharoitlar yaratib berish;

kapital qo'yilmalar shaklida amalga oshiriladigan investitsiya faoliyatida davlatning bevosita ishtirok etishi, ya'ni:

- respublikaning xorijiy davlatlar bilan amalga oshiriladigan investitsiya loyihalarini tayyorlash, tasdiqlash va moliyalashtirish;

- davlat ehtiyojlari uchun muhim bo'lgan qurilishlar va boshqa texnik obyektlarning ro'yxatini tuzish hamda budjet hisobidan moliyalashtirish;

- tanlov asosida investitsiya loyihalarini budjet mablag'laridan moliyalashtirishda kafolat berish;

- tanlov asosida investitsion loyihalarni moliyalashtirishda budjet mablag'larini jalb etish;

- qonunchilik hujjatlariga binoan investitsiya loyihalarini ekspertizadan o'tkazish;

- davlat standartlarini (me'yor va qoidalarini) ishlab chiqish va tasdiqlash hamda ularga rioya etilishi ustidan nazoratni amalga oshirish;

- obligatsiya zayomlarini chiqarish va h.k.

Amaldagi qonunchilikka binoan kapital quyilmalar asosan uch manba hisobidan moliyalashtiriladi:

a) budjet mablag'lari hisobidan;

b) tashkilotlarning mablag'lari hisobidan; d) bank ssudalaridan.

Investitsiyalarni moliyalashtirishning manbalari jumlasiga quyidagilar kiradi:

a) investorning moliyaviy mablag'lari va ichki xo'jalik zahiralari.

Bunga daromad; amortizatsion ajratmalar; sug'urta hodisasi yuz berganida sug'urta organlari tomonidan to'lanadigan pul mablag'lari va boshqalar kiradi;

b) investorlarning qarzga olgan moliyaviy mablag'lari, ya'ni bank va budjet kreditlari, obligatsiyalarni qarzga olish va boshqalar;

d) investorlarning jalb etilgan moliyaviy mablag'lari, masalan, qimmatli qog'ozlarni sotishdan olingan mablag'lar, mehnat jamoalarining, fuqarolar va yuridik shaxslarning pay va boshqa to'lovlari;

e) belgilangan tartibda korxonalar birlashmasi tomonidan markazlashtiriladigan pul mablag'lari;

f) budjet tizimi va budjetdan tashqari jamg'armalardan ajratmalar;

g) chet el investitsiyalari.

Korxonalar va boshqa tijorat tashkilotlari harajatlarni o'z mablag'lari hisobidan moliyalashtiriladilar. Ularning mablag'lari ko'p jihatdan ishlab chiqarish va ijtimoiy rivojlanishga bog'liq bo'ladi.

### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. Vaxabov A.V. "Moliyaviy savodxonlik asoslari". Toshkent. 2013.
2. E. Hojiyev, O. Kamalov, B. Artikov. "Moliya huquqi". Ma'ruzalar kursi. Toshkent. 2012.
3. A.V. Vahobov, T.S. Malikov. "Moliya" darslik. Toshkent. 2012.



**Mo'minova Hilola Qobuljon qizi**  
talabasi,

**Ilmiy Rahbar: Suhrob Umarov Rustamovich**  
IFD Professor

**Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mehanizatsiyalash muhandislari instituti**  
(Toshkent, O'zbekiston)

## **O'ZBEKISTONDA XORIJIY VA MAHALLIY INVESTORLARGA YARATILGAN IMTIYOZLAR VA HUQUQIY ASOS**

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada O'zbekistonda xorijiy va mahalliy investorlarga yaratilgan imtiyozlar va huquqiy asos to'g'risida so'z yuritilgan. Mamlakatimizdagi siyosiy, iqtisodiy, moliyaviy barqarorlik xorijiy va mahalliy investorlar uchun har tomonlama qulay sharoit yaratmoqda. Davlatimiz rahbarining oqilona siyosati natijasida qabul qilinayotgan imtiyozli muhitni yaratuvchi qonunlar chet ellik va mahalliy investorlarda tobora katta qiziqish uyg'otmoqda.

**Kalit so'zlar:** xorijiy va mahalliy investor, imtiyoz, investitsiya, bozor iqtisodiyoti, eksport, import, siyosat, iste'molchi, tovarlar, ishlab chiqarish.

Davlatimiz mustaqillikka erishgan yillardan boshlab, bozor iqtisodiyotiga o'tishning o'ziga xos iqtisodiy rivojlanish yo'lidan bormoqda. Bu yo'lda investitsiya siyosatining ahamiyati juda katta. Chunki investitsiyalar iqtisodiyotda tarkibiy o'zgarishlar, texnik va texnologik yangilanishlar, korxonalarni qayta ta'mirlash ishlarini amalga oshirishni rag'batlantiradi, mamlakat eksport va import salohiyatini oshirishga imkon yaratadi. SHu jihatdan O'zbekiston davlati o'z tuzilmaviy investitsiya siyosatini olib bormoqda.

Tuzilmaviy investitsiya siyosati hududlar, tarmoqlar va korxonalar investitsiya siyosatlaridan tarkib topib, ular o'zaro bog'liqdir.

Hududlar investitsiya siyosati investitsiyani sarflashda aholi, hudud va investor manfaatlarini hisobga olgan holda samarali ishlatishga imkon beruvchi hududda olib boriladigan chora-tadbirlar majmui.

Tarmoq investitsiya siyosati esa bu mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishini ta'minlovchi tarmoqlar, sanoat mahsulotlarini eksport qilish, import o'rnini bosuvchi ishlab chiqarishni rivojlantirish, ilmiy-texnika taraqqiyotini investitsiya yo'li bilan qo'llab-quvvatlash hisoblanadi.

Davlat tuzilmaviy investitsiya siyosatida yangi tarmoqlarni tashkil etish va rivojlantirish, aholining iste'mol tovarlari, ish joylarga bo'lgan talabini qisqa vaqt ichida yuqori darajada ta'minlashga erishish yo'lida quyidagi vazifalarga amal qilmoqda:

- Eskirgan ishlab chiqarishlarni sekin-asta muomaladan chiqarib tashlash;
- Mahalliy ishlab chiqaruvchilarni qo'llab-quvvatlash;
- To'lov qobiliyatiga ega bo'lgan va talabga mos holda ishlab chiqarish tuzilmalarini yaratish;
- Ishlab chiqarish resurslaridan va ilmiy-texnika salohiyatidan imkon qadar yuqori darajada foydalanishni ta'minlash;

- Mamlakatning ekologik va iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash va uni kuchaytirish;
- Samarali, raqobatga asoslangan ishlab chiqarishlar, bozor infratuzilmasi, xizmat ko'rsatish soxasi va intellektual faoliyatlar rivojlanishini uyg'unlashtirish;
- Iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlarini rivojlantirish va yangi tarmoqlarni barpo etish;
- Aholining ish bilan bandligini va hamda iqtisodiy faolligini oshirish;
- Hududlar ijtimoiy infratuzilmasini to'liq shakllantirish;

Tuzilmaviy investitsiya siyosatini olib borishda muhim strategiyalar ishlab chiqarilgan bo'lib, ularning mohiyati kichik iqtisodiy sub'ektlar rivojlanishini qo'llab-quvvatlashdan iborat. Mazkur ishlarni amalga oshirishda xorijiy investitsiyalarni jalb etish muhim ahamiyatga ega.

Mamlakatimizda siyosiy barqarorlik, investitsiya muhitini juda qulayligi xorijiy investorlar uzoq muddatli investitsiya loyihalarini tuzishda asos bo'lmoqda. Bundan tashqari, jalb etilgan chet el investitsiyalar va kreditlar uchun kafolatlar taqdim etish, soliy va bojxona ta'riflari bo'yicha imtiyozlar, zaem va foiz stavkalarini subsidiyalash kabi shart-sharoitlar yaratilmoqda, o'nlab qonuniy xujjatlar amal qilmoqda.

Davlat tuzilmaviy investitsiya siyosati joylarda, qishloqlarda amalga oshirishda gaz, suv, elektr, kommunikatsiya tarmoqlarini yaxshilash davlat imtiyozlari asosida kichik korxonalar tashkil etish zarur. Chunki shu yo'l bilan qishloq korxonalariga xorijiy investitsiyalarni jalb etish mumkin.

Iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlarini rivojlantirish uchun xorijiy investitsiyalarni jalb qilish siyosati mavjud mablag'lardan, vaqtdan va imkoniyatlardan samarali foydalanishga, turli xil risklarni, mavjud shart-sharoitlarni hisobga olgan holda boyliklarni samarali joylashtirishga va shu yo'l bilan respublika iqtisodiyotini ko'tarishga, uning jahon iqtisodiy tizimiga qo'shilishiga, chet el investitsiyalarining kirib kelishini rag'batlantirish yo'li bilan investitsiyalarni, ko'proq, iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlariga jalb qilishga hamda ulardan samarali foydalanishga qaratilgan.

Bugungi kunda xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning bir qancha shakllari mavjud, ya'ni:

- ulushi qo'shilib qatnashishi orqali qo'shimcha korxonalarini tashkil etish;
- 100% mol-mulk xorijiy investorlarga tegishli bo'lgan xorijiy korxonalarini tashkil etish;
- yirik xorijiy kompaniya va firmalarning shu'ba korxonalarini va filiallarini tashkil etish;
- kontsessiya va lizing shartnomalari tuzish; tenderlar e'lon qilish;
- erkin iqtisodiy hududlar tashkil etish;
- moliyaviy aktivlarni sotish va sotib olish.

Qo'shma korxonalar tashkil etish orqali xorijiy investitsiyalarni jalb qilish keng tarqalgan shakllaridan biri hamkorlikda qo'shma korxonalarini tashkil etishdir. O'zbekiston Respublikasida qo'shma korxonalar deganda, nizom kapitalining kamida 30% xorijiy investorlarga tegishli bo'lgan va xorijiy investor faqat yuridik shaxs bo'lgan, nizom kapitalining eng kam miqdori 150000 AQSH dollariga teng bo'lgan ekvivalent summani tashkil etgan korxonalariga aytiladi.

Xorijiy investitsiya ishtirokidagi korxonalar nizom jamg'armasining 150000 AQSH dollaridan kam bo'lmashligi sifatsiz mahsulotlarining oldi - sotdisi va ularni respublikaga import qilish ishlari bilan shug'ullanishga ixtisoslashgan kichik qo'shma korxonalarining keragidan ortiqcha kirib kelishining oldini olish maqsadida belgilangan.

Xorijiy korxonalarni tashkil etish orqali chet el investitsiyalarini jalb qilish bugungi kunda kengayib bormoqta. O'zbekistonda xorijiy investitsiya ishtirokidagi korxonalar iqtisodiyotning turli soxalarida tashkil etilishi mumkin. Yirik xorijiy kompaniya va korxonalar o'z mol-mulkari bir qismini ajratib, shu'ba korxonalar ochishi mumkin. Bunday shu'ba korxonalariga ham qo'shma korxonalariga qo'yilgan talablar belgilangan.

Ikki yoki uchdan ortiq davlat yoki korxonalar o'z kapitallarini jamlagan holda xalqaro tashkilotlar tashkil etishi mumkin.

Kontsessiya shartnomalari - bu tabiiy boyliklarni, ayrim foydali qazilmalarni qazib olish va o'zlashtirish uchun tuzilgan shartnomalardir.

Lizing shartnomasi esa chet el investitsiyalari ishtirokida asbob - uskunalarni, texnika - texnologiyalarni uzoq muddatga ijaraga olish. Tenderlar esa tanlov asosida investorlarning investitsiya loyihalarini moliyalashtirishga jalb etilishidir. Erkin iqtisodiy hudud - bu ma'lum hududda chet el investitsiyalari erkin kirib kelishi va ularga nisbatan qator imtiyozlar belgilangan hududdir. O'zbekiston Respublikasining "Erkin iqtisodiyot hududlar to'g'risida"gi Qonunida erkin iqtisodiy hududga quyidagicha ta'rif berilgan: "Erkin iqtisodiy hududlar - mintaqani jadal ijtimoiy – iqtisodiy rivojlantirish uchun mamlakat va chet el kapitalini, istiqbolli texnologiya va boshqaruv tajribasini jalb etish maqsadida tuziladigan, aniq belgilangan ma'muriy chegaralari va alohida huquqiy tartiboti bo'lgan maxsus ajratilgan hududdir". erkin iqtisodiy hududlarni tashkil etish jarayonida davlat qo'llab - quvvatlovchi, rag'batlantiruvchi hamda nazorat qiluvchi sifatida bosh islohotchi bo'lishi lozim. Davlatning bosh iclohotchi sifatida qatnashishi xorijiy mamalakatalar tajribasida aniq namoyon bo'ladi, masalan, Xitoy hukumati 1 dollar chet el investitsiyalarni jalb etish uchun 4 dollar o'z mablag'larini safarbar etgan. Natijada, milliy va asosan, xorijiy investorlar hududlarga investitsiyalar kirita boshlagan, bu esa o'z navbatida, mamlakat iqtisodiyotini rivoji uchun poydevor bo'lib xizmat qildi. Rossiyada yaratilgan erkin iqtisodiy hududlarga Naxodka, Kaliningrad viloyati, Sankt - Peterburg shahari va boshqalar kiradi. Qozog'istondagi birinchi erkin iqtisodiy hududlar 1991-yilda paydo bo'lgan. Bular: Jezqozg'on viloyatdagi Jayren - Atasu, Kostanay viloyatdagi Lisakov va Olmaota shahardagi "Otakent" erkin iqtisodiy hududlaridir.

Moliyaviy aktivlar - bu qimmatli qog'ozlar bo'lib, u chet el kapitalini jalb etish, chet el kreditlarini olish va chet el kapitalini bank depozitlariga jalb etish uchun emissiya qilinadi.

Investitsiya faoliyatini amalga oshirish va chet el investitsiyasini faol jalb etish uchun, nafaqat, hududlar balki, tarmoqlarda, shuningdek, investitsiya faoliyatining sub'ekti va ob'ektlarida ham investitsion jozibadorlik reytinglarini tahlil etib, hisoblab chiqish zarurdir. Bunda, asosan, chet el investitsiyasini iqtisodiyot sohalari bo'yicha mutanosib jalb etishning kompleks dasturini ishlab chiqish va unda tarmoqlarni, asosan, 3 guruhga, ya'ni ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish va ijtimoiy sohalarga bo'lib, investitsiyani ustuvor darajada real sektorga yo'naltirib, so'ng qolgan sohalarni rivojlantirishga hamda iqtisodiyot rivojlanishi va zaruriyatidan kelib chiqib, xizmat ko'rsatish va ijtimoiy sohalarga ham jalb etilsa, maqsadga muvofiq bo'lur edi.

Rivojlangan mamlakatlar xalqaro kapital harakatini, asosan, kapital eksporti-importini milliy va xalqaro darajada rag'batlantirish orqali amalga oshiradilar. Kapitalning qarzarlar, portfel' investitsiyalar va boshqalar shaklida harakat qilishi borasidagi davlat siyosati uning harakatidagi barcha cheklashlarni olib tashlash maqsadida olib boriladi. Barcha xorijiy

investitsiyalarga nisbatan davlat har qanday cheklashlarni amalga oshirish huquqini o'z zimmasida qoldiradi, chunki bu milliy iqtisodiy havfsizlik bilan bog'liq. SHunisi harakterliki, kapitalni chetga chiqarish uni jalb qilishga nisbatan kam darajada tartibga solinib turiladi.

Davlat tartibga solishning quyidagi usullaridan foydalanadi:

1) moliyaviy:

- jadallashtirilgan amortizatsiya;
- soliq imtiyozlari;
- subsidiyalar, qarzar berish;
- kreditlarni sug'urtalash va kafolatlash;

2) nomoliyaviy:

- yer uchastkalari ajratish;
- zaruriy infrastruktura bilan ta'minlash;
- texnik yordam ko'rsatish.

Mamlakatimizda ushbu sohani huquqiy tartibga soluvchi "CHet el investitsiyalari to'g'risida"gi qonun hamda bir qator boshqa qonun hujjatlari qabul qilindi. Ushbu qonunlarni qabul qilish, ularga zamon talablariga mos ravishda o'zgartish va qo'shimchalar kiritib borishning sababi bitta - qayerda imtiyoz, qayerda sharoit bo'lsa, qonuniy kafolat beriladigan bo'lsa, shu yoqqa investitsiya keladi.

Ma'lumki, chet el investorlari mamlakatimiz hududida ishlab chiqarish faoliyatini, qoidaga ko'ra, xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar tashkil etish yo'li bilan amalga oshiradilar. O'z ehtiyojlari uchun yurtimiz hududiga zamonaviy texnologiyalar va asbob-uskunalar, ularga butlovchi buyumlar, shuningdek, xomashyo va materiallar olib kirayotgan xorijiy investorlar uchun amaldagi qonun hujjatlarida muayyan imtiyozlar nazarda tutilgan. Jumladan, "Boj tarifi to'g'risida"gi qonunning 33-moddasi va "CHet el investitsiyalari to'g'risida"gi qonunning 12-moddasiga muvofiq, xorijiy investorlar tomonidan o'z ishlab chiqarish ehtiyojlari uchun O'zbekiston Respublikasiga olib kiriladigan mol-mulkka bojxona boji solinmas edi. Yangi qonun asosida - chet ellik investorlar uchun yanada qulay muhit yaratish maqsadida - yuqorida qayd etilgan har ikki qonunga o'zgartishlar kiritildi. Mazkur qonunning qabul qilinishi natijasida "Boj tarifi to'g'risida"gi qonunning 33-moddasida va "CHet el investitsiyalari to'g'risida"gi qonunning 12-moddasida belgilangan imtiyozlar ustav fondida chet el investitsiyalarining ulushi kamida o'ttiz uch foiz bo'lgan chet el investitsiyalari ishtirokidagi qo'shma korxonalarga ham tatbiq etiladigan bo'ldi. Joriy yilda iqtisodiyotimizni rivojlantirishga barcha moliyaviy manbalar hisobidan qiymati 5,4 milliard dollardan ziyod, jumladan, umumiy qiymati taxminan 1,5 milliard dollarga teng xorijiy investitsiyalarni kiritish ko'zda tutilmoqda. Buning natijasida mamlakatimiz iqtisodiyotiga jalb etilayotgan xorijiy investitsiyalarning o'sish sur'ati 40 foizdan oshadi. Xorijiy sarmoyalarni kiritish hisobidan 80 dan ortiq investitsiya loyihasini amalga oshirish, umumiy qiymati 1,4 milliard dollarlik o'ttizdan ziyod obyektzni foydalanishga topshirish mo'ljallangan. Yangi qonunda ko'zda tutilgan imtiyozlar ana shu xayrli maqsadlarga erishishimizda muhim rag'batlantiruvchi omil bo'lib xizmat qiladi.

